



**ЎСИМЛИКЛАР ДУНЁСИ– СОҒЛИГИМИЗ ВА БАРҚАРОР ҲАЁТИМИЗ
МАНБАИ**

Шоимов Норқобил Бобомуродович

*Ўзбекистон Республикаси ИИВ Малака ошириш институти катта
ўқитувчиси, юридик фанлар номзоди, доцент*

Аннотация: *Мақолада ўсимликлар дунёсининг инсон ҳаётидаги аҳамияти, унинг иқтисодиётимизга ва халқимизнинг саломатлигига таъсири, мамлакатимизда ўсимлик дунёсини муҳофаза қилиш соҳасида олиб борилаётган кенг кўламли чора-тадбирлар ва уларнинг ҳуқуқий асосларининг аҳамияти ёритиб берилган.*

Таянч сўзлар: *ўсимликлар дунёси, инсон ҳаёти, халқимиз саломатлиги, экологик маданият, «яшил» иқтисодиёт, атроф-муҳит, ўсимликлар дунёсига таҳдидлар, ўсимликларни асраш.*

Аннотация: *В статье рассматривается значение растительного мира в жизни человека, его влияние на экономику и здоровье людей, масштабные меры, принимаемые в нашей стране по охране растительного мира, и важность их правового обеспечения.*

Ключевие слова: *флора, жизнь человека, здоровье нашего народа, экологическая культура, «зеленая» экономика, окружающая среда, угрозы флоре, защита растений.*

Энг муҳим масала – аҳолининг экологик маданиятини ошириш. Бугун кўчага ёки исталган жойга қаранг. Ҳамма жойда одамлар ташлаб кетган чиқиндиларни кўрасиз. Биз она юртимизни муқаддас деймиз. Нима учун уни тоза-озода сақламаймиз? Ахир, муқаддас китобларимизда ҳам “Поклик иймондандур” дейилган.

Шавкат Мирзиёев.

5.5

Маълумки, инсоният ҳаёти табиат билан узвий боғлиқ. Жумладан, ўсимликлар дунёси ер юзидаги ҳаётнинг ажралмас таркибий қисми бўлиб, барча тирик мавжудотлар учун асосий кислород, озуқа, шифо ва хомашё манбаидир. Биргина битта дарахтнинг йил давомида юзлаб килограмм кислород ишлаб чиқариши, тупроқни мустаҳкамлаши, ҳавони софлаштириши ва иқлимни меъёрлаштириши — ўсимликларнинг беқиёс аҳамиятини намоён этади.

Ўсимликлар йўқ бўлганда ер юзида ҳаётнинг давом этиши деярли мумкин эмас. Шу сабабли уларни муҳофаза қилиш, кўпайтириш, илмий ўрганиш ва самарали фойдаланиш – инсоният учун стратегик вазифадир.



Очиғини айтганда, узоқ йиллар давомида юртимиз бойликларининг пала-партиш ўзлаштирилгани, яқин вақтларгача қишлоқ хўжалиги соҳасида «пахта яккаҳоқимлиги» ҳукм сургани учун табиат билан иқтисодиёт ўртасидаги мувозанат бузилгани сир эмас. Айниқса, бойликнинг онаси бўлган ер-сув ресурсларидан оқибатини чуқур ўйламасдан, нооқилона фойдаланиш натижасида экин майдонларимиз яроқсиз, унумсиз ҳолга келиб қолди. Орол денгизининг қуриши, экологик вазиятнинг ёмонлашуви нафақат қишлоқ хўжалигига, балки миллий иқтисодиётимизга ва халқимизнинг саломатлигига салбий таъсир кўрсатди.

Таъкидлаш лозимки, қишлоқ хўжалиги озиқ-овқат хавфсизлигини таъминлашнинг асосий тармоқларидан бири саналади. Бугун озиқ-овқат таъминотини барқарор етказиб беришдаги қийинчиликлар ҳамда глобал савдодаги тўсиқлар ҳам миллионлаб инсонлар ҳаётида салбий из қолдирмоқда. БМТ маълумотларига кўра, айти пайтда дунёдаги 22 та давлатда озиқ-овқат танқислиги кузатилмоқда. Мамлакатимиздаги аҳолининг ўсишини, шунингдек, ер майдони кенгайиб қолмаслигини эътиборга олиб, ер ва сув ресурсларининг сифатига таъсир қилувчи об-ҳаво шароити ўз кучини кўрсатаётган ҳозирги шароитда «яшил» иқтисодиётни яратиш йўлига ўтиш долзарбдир. Жаҳон ресурслари институтининг прогнозига кўра, 2040 йилга бориб, Ўзбекистон сайёрамиз бўйича сув танқислиги энг юқори бўлган 33 та мамлакатдан бирига айланади. Ҳосилдорликнинг камайиши мамлакатимиз озиқ-овқат хавфсизлиги ва тўлов балансини таъминлаш борасида жиддий оқибатларга олиб келишини унутмаслигимиз керак.

Президентимиз Корея Республикасида ўтказилган «Яшил ўсиш ва глобал мақсадлар учун ҳамкорлик – 2030» (П4Г) иккинчи халқаро саммитида сўзлаган нутқида: «Бугунги кунда она табиатнинг ўзи бизга йўллаётган огоҳлик кўнғироғига бепарво бўлмаслигимиз керак. Афсуски, иқлим ўзгаришлари тобора кучайиб бормоқда. Биз яшаётган Марказий Осиёда сўнгги 30 йилда ўртача йиллик ҳарорат тахминан бир даражага кўтарилди. Минтақамиздаги асосий дарёларнинг ҳавзаси ва биологик хилма-хилликнинг қисқариб бораётгани жиддий хавотир уйғотмоқда. Буғланиш даражасини оширадиган газлар ва атмосферанинг кенг миқёсда ифлосланиши муаммоларни янада чуқурлаштирмоқда. Бугунги кунда «яшил тараққиёт» борасидаги мақсадларга эришиш учун мамлакатларнинг ҳаракатлари янада фаол ва самарали бўлиши кераклигига ҳеч ким шубҳа қилмаяпти. Бошқа чорамиз ҳам йўқ», деб таъкидлаганларида умумий уйимизга кўзга кўринмас хавф-хатарнинг олдини олишда барчамиз масъул эканлигимизни назарда тутиб, Марказий Осиёнинг ажралмас қисми бўлган мамлакатимизнинг барқарор ривожланишига, экологик хавфсизлигига эришиш, ҳозирги ва келажак авлод учун қулай атроф-муҳитни



яратиш ҳамда табиий ресурсларни сақлашга йўналтирилган давлат сиёсатини рўёбга чиқаришни таъминлаш мақсади мужассам эди.

Шу нуқтаи назардан қарайдиган бўлсак, XX асрнинг охирида пайдо бўлган «яшил» иқтисодиёт инсоннинг энг ҳаётий муҳим манфаатлари, яъни ҳаёти ва соғлиғи учун зарур бўлган ресурсларни, атроф-муҳит ва экологияни асраб-авайлаган ва унга зарар етказмаган ҳолда сақлаб қолиб, ишлаб чиқариш ва хизмат кўрсатиш соҳалари билан боғлиқ иқтисодиётни янада ривожлантиришни амалга оширишга асосланган фаолиятнинг замонавий йўналиши тушунилади.

Президентимиз томонидан «яшил» иқтисодиётга ўтиш ва углерод нейтраллигига эришиш Янги Ўзбекистоннинг устувор стратегик вазифаси этиб белгиланди. Чунки «яшил» иқтисодиётга ўтиш мамлакатимизда экологик вазиятни тубдан яхшилаш, инсон ҳаётига зарарли таъсир ўтказувчи экологик муаммоларни бартараф этиш имконини беради.

Давлатимиз раҳбарининг 2022 йил 2 декабрдаги «2030 йилгача Ўзбекистон Республикасининг «яшил» иқтисодиётга ўтишига қаратилган ислохотлар самарадорлигини ошириш бўйича чора-тадбирлар тўғрисида»ги ПҚ-436-сонли қарори¹ қабул қилинганини эслайлик. Мазкур ҳужжат билан 2030 йилгача Ўзбекистон Республикасида «яшил» иқтисодиётга ўтиш ва «яшил» ўсишни таъминлаш дастури тасдиқланди.

«Яшил» иқтисодиёт қуйидаги тадбирларни амалга оширишни биринчи навбатдаги масала сифатида кун тартибига қўймоқда:

биринчидан, аҳолининг юксалиб бораётган эҳтиёжларини қондириб, уларнинг фаровонлиги, яшаш даражаси ва сифатини ошириш учун моддий неъматларни яратишни барқарор равишда экология ва атроф-муҳитга зарар етказмасдан кўпайтириб боришни;

иккинчидан, ишлаб чиқариш ва иқтисодиётни ривожлантириш учун энергия ресурслари керак бўлади, буларни қайта тикладиган энергия манбалари ҳисобидан кўпайтириш, жамоат транспортини ҳам электр қуввати билан юрадиганларига алмаштириш, энергияни тежайдиган биноларни барпо қилиш каби йўналишларда ишларни олиб боришни;

учинчидан, атроф-муҳитга зарарли газларни чиқармайдиган, атроф-муҳитни асрайдиган, экологик тоза технологияларни яратиш орқали экологик тоза маҳсулотларни етиштириш масаласига ҳам алоҳида аҳамият бериш лозим бўлади;

тўртинчидан, бир томондан, табиатдаги барча ресурслар чекланган бир пайтда инсон эҳтиёжлари чексизлигини инобатга олиб, уларнинг

¹ Қонунчилик маълумотлари миллий базаси, 03.12.2022 й., 07/22/436/1061-сон; 13.06.2023 й., 06/23/92/0366-сон; 30.09.2023 й., 06/23/164/0737-сон; 11.10.2023 й., 07/23/329/0765-сон; 11.11.2023 й., 06/23/193/0844-сон; 28.02.2024 й., 07/24/88/0159-сон; 06.06.2024 й., 07/24/213/0407-сон, 04.10.2024 й., 06/24/149/0772-сон; 30.12.2024 й., 07/24/455/1092-сон.



мувофиқлигини таъминлаш мақсадида неъматларни ишлаб чиқаришни кенгайтиришни табиий ресурсларни камайтирмасдан амалга ошириш чораларини ҳам кўриш долзарб масалалар сирасига киришини;

бешинчидан, аҳоли, айниқса, мактаб ўқувчилари, талаба-ёшларни табиатни тушуниш, экологик таълим-тарбия, эзгулик, кўнгилчанлик, раҳмдилликка давъат этувчи экологик маданиятни шакллантиришни.

Ўзбекистон биохилма-хиллиги 27 мингдан ортиқ турларни ўз ичига олади. Ўсимлик дунёси 11 минг турни ташкил этади (ўсимликларнинг 324 тури ва кўзиқориннинг 3 тури Ўзбекистоннинг «Қизил китоб»ига киритилган). Шунинг учун ҳайвонот ва ўсимлик дунёси объектларидан ноқонуний фойдаланиш устидан назоратни кучайтиришимиз керак.

Атроф-муҳитга зарарли таъсирларнинг олдини олиш мақсадида мамлакатимизда «Яшил макон» умуммиллий лойиҳаси амалга оширилмоқда. Худудларимизда «яшил боғлар» ва «яшил жамоат парклари»ни барпо этишдек эзгу ишлар амалга оширилмоқда. Ўтган давр мобайнида лойиҳа доирасида 588 гектар озиқ-овқат ва экологик хавфсизликка хизмат қиладиган «яшил боғлар», инсон саломатлигига хизмат қиладиган 662 гектар «яшил жамоат парклари», Бухоро, Нукус, Хива ва Урганч шаҳарлари атрофида 40 км масофада «яшил белбоғ»лар барпо этилди. Эътиборлиси шундаки, аҳоли масканлари ва маҳаллаларда «яшил майдонлар»ни кўпайтириш учун мақсадли маблағлар ажратилмоқда. Барча давлат идоралари, корхоналар ва олий таълим муассасаларида «яшил боғлар» яратилмоқда.

Шу боисдан ҳам, мамлакатимизда ўсимлик дунёсини муҳофаза қилишга оид кўплаб норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар қабул қилиниб, ўсимлик дунёсини муҳофаза қилиш ва ундан фойдаланиш соҳасидаги муносабатлар ҳуқуқий тартибга солинган.

Хусусан, Ўзбекистон Республикасининг 2016 йил 21 сентябрдаги «Ўсимлик дунёсини муҳофаза қилиш ва ундан фойдаланиш тўғрисида»ги ЎРҚ-409-сонли янги таҳрирдаги қонуни¹ ўсимлик дунёсини муҳофаза қилиш ва ундан фойдаланиш соҳасидаги муносабатларни тартибга солишдан иборат мақсадни кўзлайди.

Айни пайтда, ушбу қонунда ўсимлик дунёсига таъриф берилиб, унга асосан, Ўзбекистон Республикаси ҳудудида табиий муҳитда ўсадиган ёки сунъий яратилган шароитларда етиштириладиган барча турдаги ёввойи ўсимликлар мажмуи тушунилади.

Ўсимликлар дунёсининг инсон ҳаётида тутган аҳамияти тўғрисида гапирадиган бўлсак, аввало у соғлигимиз, саломатлигимиз манбаидир.

¹ Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2016 й., 38-сон, 440-модда; 2017 й., 37-сон, 978-модда; Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси, 10.01.2018 й., 03/18/459/0536-сон; 09.01.2019 й., 03/19/512/2435-сон; 30.08.2019 й., 03/19/559/3670-сон; 28.09.2020 й., 03/20/638/1333-сон; 02.04.2021 й., 03/21/681/0264-сон; Қонунчилик маълумотлари миллий базаси, 21.04.2021 й., 03/21/683/0375-сон; 12.10.2021 й., 03/21/721/0952-сон; 25.05.2022 й., 03/22/771/0448-сон; 30.06.2022 й., 03/22/782/0576-сон; 01.03.2024 й., 03/24/916/0167-сон; 30.08.2024 й., 03/24/951/0673-сон.



Ўсимликлар дунёси кислород ва соғлом экологик муҳит манбаи бўлиб, у қуйидаги функцияларни бажаради:

- ер юзидаги кислороднинг 95 % дан ортиқ қисми ўсимликлар фотосинтези орқали ишлаб чиқарилади. Улар ҳаводаги углерод газини ютади, токсинларни филтрлайди ва ҳавони тозалайди;

- шаҳарларда кўкаламзорлаштириш орқали иқлим исиши ва ҳаво ифлосланиши камаяди.

Бундан ташқари, кўплаб дори-дармонлар ўсимликлардан тайёрланади ҳаммага маълум. Ҳатто замонавий фармацевтикада ишлатиладиган 60 % дан ортиқ препаратлар ўсимликлардан тайёрланади.

Эътироф этишимиз лозимки, ўсимликлар дунёси тирик мавжудот, шу жумладан инсонларнинг ҳам озиқ-овқат манбаидир. Улардан гиёҳлар, мева-сабзавотлар, дон маҳсулотлари, витамин, минерал ва энергия захираси ҳамда кам харажатли ва соғлом турмуш тарзи манбаидир.

Ўсимликлар дунёсининг инсон ҳаётида тутган аҳамиятидан навбатдагиси – бу уларнинг барқарор ҳаётимиз манбаи эканлигидир. Улардан доривор воситалар, қурилиш материаллари, ёғоч маҳсулотлари, қоғоз, мато, мебель, ёғ ва қандолат маҳсулотлари ҳамда ёқилғи тайёрланади. Уларнинг экспорт имконияти мамлакат иқтисодиётида муҳим ўрин тутаяди.

Айниқса, ўсимлик дунёси объектларидан маданий-маърифий, ўқув-тарбиявий, рекреация ва эстетик мақсадларда фойдаланилади. Уларнинг ички ва ташқи туризмни ривожлантиришдаги, аҳолига дам олиш, спорт ва маданий тафаккур учун имконият яратиши ва шаҳар эстетикасини оширишдаги роли беқиёс.

Надоматлар бўлсинки, бугунги кунда ўсимлик дунёсини муҳофаза қилиш ва ундан фойдаланиш тўғрисидаги қонунчиликни бузган ҳолда ўсимлик дунёси объектлари фойдаланишлар, яъни таҳдидлар ҳамон долзарблигича қолмоқда. Хусусан, инсон омили туфайли уларнинг сони камайиб бормоқда ва бу эса атмосфера ҳавосининг ифлосланишига, ерларнинг чўлланишига, маҳсулдор турларининг йўқолишига ва бошқа шу каби салбий ҳолатларга олиб келмоқда.

Мисол учун, суд амалиёти таҳлилига кўра, 2024 йил ва 2025 йилнинг биринчи ярми давомида экология ҳамда атроф-муҳитни муҳофаза қилиш соҳасидаги жиноятлар бўйича 220 та иш кўриб чиқилиб, 403 нафар шахс судга тортилди. Улардан 213 та иш бўйича 393 нафарга нисбатан ҳукм чиқарилган, 7 та ишда (10 нафар) юритув тугатилган.

Таҳлил даврида кўп учраган жиноят турлари қуйидагилар бўлган:

- ҳайвонот/ўсимлик дунёсидан фойдаланиш тартибини бузиш — 2024 йилда 116 нафар, 2025 йил I ярмида 77 нафар шахс судланган;



экинзорлар, ўрмонлар, дарахтлар ёки бошқа ўсимликларни шикастлаш/нобуд қилиш — 2024 йилда 73 нафар, 2025 йил I ярмида 21 нафар шахс судланган.¹

Шу боисдан ҳам ўсимликларни асраш – ҳар бир фуқаронинг бурчи бўлиб, Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг XI бобида ўз аксини топган. Асосий қонунимизнинг 62-моддасига асосан, фуқаролар атроф табиий муҳитга эҳтиёткорона муносабатда бўлишга мажбурдирлар.

Хуллас, ўсимлик дунёси ердаги ҳаётнинг асосий устуни. Улар соғлом муҳит, тоза ҳаво, шифо, озуқа, иқтисодий барқарорлик ва фаровонлик манбаи бўлиб, уни асраш лозимдир.

Умуман табиатни асраган жамият – ўз келажагини асраган жамиятдир. Шу боис, ҳар бир дарахт қадрли, ҳар бир гул – ҳаёт рамзи, ҳар бир ўсимлик – келажак учун бойликдир.

¹ Бир ярим йилда экологик жиноятлар бўйича 400 дан ортиқ шахс судга тортилди. // <https://kun.uz/kr/news/2025/11/08/bir-yarim-yilda-ekologik-jinoyatlar-boyicha-400-dan-ortiq-shaxs-sudga-tortildi>.